Гўшт нархлари шаклланиши бўйича дайжест

Марказий банк ва ИМБ *(Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги маркази)* | **2026 йил, октябрь ҳолатига**

ТАШҚИ ВА ИЧКИ БОЗОРДА МОЛ ГЎШТИ НАРХЛАРИ

АСОСИЙ САВДО ҲАМКОРЛАРДАГИ МОЛ ГЎШТИ НАРХЛАРИ *(2026, сентябрь)*


Давлатлар	Жорий нарх *(сўм эквивалентида)*	Ўзгариши, % да	
		ўтган ойга нисбатан	*2025 йил мос даврига нисбатан*
Ўзбекистон	**137 279**	**+1,3**	**+12,8**
Россия	106 448	+0,7	+14,8
Қозоғистон	102 635	+0,4	+11,6
Беларус	57 173	−3,8	+10,0
Қирғизистон	113 571	+1,4	+23,7
Покистон	54 224	+0,2	+13,2

МОЛ ГЎШТИ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ *(минг сўм/кг)*

	Давлат	Тури	*август*	*сентябрь*
Маҳаллий	**Ўзбекистон**	янги сўйилган	**120–125**	**120–125**
Импорт	Беларусь	совитилган	85–92	**86–90**
	Қозоғистон	совитилган	102–105	**107–110**
	Ҳиндистон, Покистон	музлатилган	66–73	**64–76**
	Беларусь, Украина	музлатилган	66–73	**73–78**

Сентябрь ойида **маҳаллий** мол гўштининг **улгуржи** нархи барқарор шаклланган бўлса, **импорт** совитилган *(5%)* ва музлатилган *(Ҳиндистон-Покистон 0,7%, Беларусь-Украина 8,6%)* мол гўшти улгуржи нархлари ошди.

ГЎШТ НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ ЎЗГАРИШИ *(январь-сентябрь)*



Август *ойида ўтказилган сўровлар натижасига кўра, жами респондентларнинг* ***58%*** *(июль ойида 58%)* ***гўшт ва сут маҳсулотларининг*** *нархлари юқори ошган маҳсулотлар сифатида қайд этган.*

Кузатувларга кўра, Республика бўйича энг қиммат мол гўшти ***Фарғона*** *вилоятининг* ***Марғилон*** *шаҳри (**139 000** сўм) ва* ***Тошкент*** *шаҳрининг* ***Миробод*** *туманида (**137 800** сўм) кузатилди.*

БОЗОР ОМИЛЛАРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

2025 йил

1,9 млн тн	+3,5%	1,8 млн тн
ишлаб чиқариш ҳажми	ўсиш суръати *(2024 йилга нисбатан)*	йиллик эҳтиёж *(+5,9%)*

2026 йил

1,8 млн тн	1,9 млн тн
ишлаб чиқариш ҳажми	йиллик эҳтиёж

I ярим йил – амалда | II ярим йил – кутилиш

0,7 млн тн | 1,1 млн тн

ИМПОРТ

	2026 йил январь–сентябрь		сентябрь	
Мол гўшти минг тн	**132,0**	+17,7%	**20,9**	+48%
	2025 йил: 112,1		2025 йил: 14,1	
Қўй гўшти минг тн	**26,5**	+32,4%	**4,5**	+48,3%
	2025 йил: 20,0		2025 йил: 3,1	
Тирик қорамол минг бош	**62,5**	−56,9%	**13,6**	−20,6%
	2025 йил: 145,2		2025 йил: 17,2	
Тирик қўй минг бош	**142,7**	+79,9%	**33,3**	−47,4%
	2025 йил: 79,3		2025 йил: 9,8	

Октябрь-декабрда импорт кутилиши: **95,5 минг тн**

2026 йил сентябрь ойида ҳам қўшни мамлакатлар *(Қозоғистон ва Қирғизистон)* томонидан **тирик чорва** экспортига киритилган чеклов ва квоталар сабабли **тирик қорамол** импорти ўрнини **тайёр қорамол гўшти** эгаллаш тенденцияси давом этди. Сентябрь ойида жами гўшт импорти ҳажми **31,3 минг** тоннани ташкил этиб, августга нисбатан 5,5% га ошди.

Мазкур ойда қорамол гўшти импорти ҳажми барқарор шаклланди. Хусусан, Қозоғистондан гўшт етказиб бериш ҳажми 23% га ошган бўлса, Ҳиндистондан 10,4% га камайди. Асосий етказиб берувчилардан Ҳиндистон *(+8,1%)* ва Беларусда *(+4,1%)* импорт нархлари **қимматлашди**.

НАРХЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТГАН БОШҚА ОМИЛЛАР

ИЧКИ ОМИЛЛАР

- Сув танқислиги, озуқа экинлари ва яйловларнинг етишмаслиги ҳамда нотўғри фойдаланилиши, **қиммат импорт озуқасига боғлиқлик** ва оқсилли озуқанинг танқислиги чорва етиштиришни чекламоқда.
- Маҳаллий чорванинг 90% асосан уй хўжаликларида етиштирилиб, уларнинг 96,6% маҳаллий зотлар бўлганлиги сабаб наслли зотларга нисбатан **65%** кам гўшт беради, ихтисослашган наслли гўштбоп хўжаликлар сони кам ва уй хўжаликлари билан **кооперация мавжуд эмас**.
- Сунъий уруғлантириш ва ветеринария хизматларининг ривожланмаганлиги бузоқ олиш даражаси кам, туғишлар оралиғи узун, ёш молларнинг нобуд бўлиши юқори, ички селекция базаси заифлиги сабаб **наслли зотлар олиш даражаси паст**.
- Замонавий **кушхона** ва музлаткичли **омборларнинг** етишмаслиги ҳамда воситачилар занжирининг узунлиги таннархни оширмоқда.
- Аҳоли ва даромадлар ўсиши ҳамда туристлар оқимининг ортиши гўшт маҳсулотларига бўлган талабни кескин оширмоқда.

ТАШҚИ ОМИЛЛАР

- Жаҳонда гўшт нархи индекси (FAO) сентябрь ойида августга нисбатан **1,5 бандга** *(1,1%)* пасайди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бир хил даражада шаклланди. **Парранда гўшти** Бразилиядан экспорт таклифининг кўплиги ва ЕИ да 2026 йил 3 сентябрдан кучга кирган янги импорт талаблари ҳисобига талабнинг пасайиши натижасида арзонлади. **Мол** ва **қўй гўшти** нархлари барқарор сақланиб қолди. Австралияда мол гўшти рақобат кучайиши ҳисобига арзонлаган бўлса, Бразилияда АҚШ талабининг ортиши ҳисобига қимматлади.
- **USDAга** кўра, 2026 йил учун **қорамол гўшти ишлаб чиқариш прогнози** ўтган ойга нисбатан **0,4%** *(2027 йил учун 0,6%)* га пасайтирилди. Бу бўрдоқига боқилган қорамол ва сигирларни сўйиш суръатларининг кутилганидан секинлашгани билан изоҳланади.
  Гўштни қайта ишловчи корхоналар талабининг кутилганидан паст бўлгани сабабли тирик вазндаги буқаларнинг прогноз нархлари ҳам пасайтирилди.

ИМПОРТ ЧЕКЛОВЛАРИ ВА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР

ЧЕКЛОВЛАР ВА ХАТАРЛАР

- 2026 йилда **ЕОИИ** аъзолари *(Россия, Қозоғистон ва Беларус)* ўзаро мол гўшти импортига божсиз квоталар жорий этди. Ушбу давлатларда мол гўштига юқори талаб шаклланган сабабли Беларус ва Қозоғистондан гўшт импорт қилиш нархи юқорилигича қолиши прогноз қилинмоқда.
- **Қирғиз Республикасида** йирик ва майда шохли қорамоллар экспортига 2026 йил сентябргача қўйилган тақиқ 2026 йил 10 сентябрдан яна **6 ойга** узайтирилди. Бироқ наслдор қўйлар ҳамда мамлакатда боқилмаган ва тегишли давлат корхонаси томонидан тирик қорамолларни экспорт қилишга рухсат берилган.
- **Қозоғистонда** 2026 йил июль ойида мол гўшти экспорти бўйича квоталар бекор қилинган бўлса-да, тирик қорамол *(сўйиш учун)* экспортига қўйилган тақиқ сақланиб қолмоқда.
- **Қозоғистон** 2026 йил 19 сентябрдан Россиянинг Москва, Иркутск, Омск ва Тюмень вилоятларидан мураккаб эпизоотик вазият сабабли тирик чорва, гўшт ва сут маҳсулотларини олиб киришни ва транзитини вақтинча чеклади.
- **Покистонда** мол гўшти нархи ўтган йилга нисбатан юқори шаклланди. Бунга энергия ва транспорт харажатлари, урғочи ва ёш молларнинг сўйилиши фонида чорва бош сонининг қисқариши, ёғли озуқа нархлари ҳамда ички талабнинг юқорилиги сабаб бўлмоқда.
- **Ҳиндистонда буйвол** гўштининг экспорт нархи ўтган йилга нисбатан ошиб, бунга ташқи талабнинг кучайиши *(Ўзбекистон, Индонезия, Россия каби янги бозорлар)* ҳамда ички таклифнинг чекланганлиги ва сифат стандартларининг ошиши сабаб бўлмоқда.
- 2026 йил сентябрь-октябрь ойларида Буюк Британияда **Bluetongue (BTV-3) вируси** бўйича рекорд даражадаги эпидемия кузатилиб, Францияда ҳам вирус фаол тарқалмоқда. Бу бошқа **ЕИ давлатларидан** тирик қорамол ва наслдор молларни **импорт қилишда қўшимча эмлаш ва ветеринария текширувини** талаб этади.

Мол гўшти импортида бозор концентрацияси *(2026 йил январь–сентябрь)*


қавс ичида – 2025 йил

Совитилган

Топ-5 корхона улуши

63% +8 ф.б. (2025 йил: **55%**)

Импорт географияси




- Қозоғистон **50%** (47%)
- Беларусь **49%** (52%)

Музлатилган

Топ-5 корхона улуши

42% −5 ф.б. (2025 йил: **47%**)

Импорт географияси



- Ҳиндистон **80%** (83%)
- Покистон **8%** (6%)
- Украина **7%** (6%)

КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР

- **ПҚ-179**-сонли қарорга мувофиқ:
  - 2029 йилга қадар наслдор қорамол, қўй ва эчкилар импорти ҚҚСдан озод этилди;
  - аҳоли хонадонларида сунъий уруғлантириш орқали олинган ҳар бир наслдор бузоқ учун **500 минг** сўм *(трансплантация – 700 минг сўм)* субсидия жорий қилинди;
  - йилига камида **1 000 нафар** техник-осеменаторлар ўқитилиб, жиҳозлар беғараз берилади.

  *Қарорга асосан **52 та** чорвачилик хўжаликларига жами **96,9 млрд** сўм маблағлар ажратилди.*
- **ПҚ-130**-сонли қарорга мувофиқ йил якунига қадар мол ва қўй гўштини ҳаво транспортида импорт қилиш харажатларининг **50%** *(1 кг учун 0,8 доллар)*, наслдор қорамол қийматининг **10%** *(бир бош учун 4 млн сўмгача)* субсидиялаш жорий қилинди.

  *Ушбу йўналишга жами ажратилган **300 млрд** сўмдан бугунга қадар импорт қилинган **1,3 минг** тн гўшт (Ҳиндистон) учун **12,3 млрд** сўм ва **748 бош** наслли қорамол (Эстония, Австрия) учун **2,2 млрд** сўм субсидия тўлаб берилди.*
- **Навоий Агростар** томонидан Мўғулистондан олиб келиш режалаштирилган **10 минг** бош “Баяд” зотли наслли қўйлардан ҳозирга қадар **2,5 минг** бош ва Голландиядан **150 бош** “Симментал” зотли қорамол *(Андижон)* олиб келиниб, аҳолига **имтиёзли** ва **устамаларсиз** етказиб берилди.
- **Беруний Агростар** томонидан:
  - Беруний, Қўнғирот, Чимбой, Кегейли ва Арнасой туманларида **2,9 минг** га майдонларда замонавий усулда чорва озуқаси етиштириш плантациялари ташкил этилмоқда *(**1,6 минг** га майдонга чорва озуқалари **экилган**)*.
  - Арнасойда **100 га** майдонда етиштирилган чорва озуқасидан силос тайёрланиб, вакуум қадоқланган ҳолда *(25 кг)* арзон нархларда етказиб бериш натижасида зотли қорамол боқадиган хонадонлар сони **1** йилда **12** тадан **100** тага кўпайди. Шунингдек, драйвер лойиҳа сифатида аҳолига етказиб бериш учун **3 та** йирик силос сақлаш траншеяларига жами **3 минг** тн захира жамланди.